

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА УМИДА НИРМАТОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТЛИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ
ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09–Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримова Умида Нирматовна

Атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг
клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш..... 3

Каримова Умида Нирматовна

Клинико-иммунологические особенности течения и совершенствование
терапии хронического гломерулонефрита у детей с атопическим дерма-
титом..... 21

Karimova Umida Nimatovna

Clinical – immunological features of the current and perfection of therapy
of the chronic glomerulonephritis at children with atopic dermatitis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА УМИДА НИРМАТОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТЛИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ
ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09–Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Раҳманова Лола Каримовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Шарипов Алишер Мирхамидович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ташкенбаева Умида Алишеровна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий - амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги ўн йиллар давомида болалар орасида сурункали буйрак касалликларининг (СБК) кескин ўсиши кузатилмоқда. АҚШ, Европа, Австралия, Осиё мамлакатларида қайд қилинишича, дунё аҳолисининг хар ўнтадан бири буйрак фаолияти бузилишидан азият чекмоқда. СБКга чалинган беморларнинг 50% да касаллик сурункали буйрак етишмовчилигининг (СБЕ) 3-5 босқичида, 10% беморларда эса терминал босқичида аниқланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, 2011 йилдан СБК ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган касалликлар, шу жумладан, юрак қон-томир, ўпка, ўсма ва қандли диабет касалликлари билан бир қаторда тан олинди, “... сурункали гломерулонефритли болаларда 20 ёшга бориб терминал сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланиш хавфи 68%ни ташкил қилади”¹. Болалар орасида СБК оқибатида СБЕнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани, организмнинг меъёрда ўсиши ва ривожланишига таъсир қилиши натижасида улар орасида эрта ногиронлик келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда пешоб тизими касалликлари этиологиясини аниқлаш, касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш, профилактика усулларини такомиллаш-тириш ва асоратларини эрта олдини олиш усулларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада СБК, шу жумладан сурункали гломерулонефрит нефротик шаклини аллергия фонида кечишига хос бўлган клиник-иммунологик маркерларни аниқлаш, сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш, сурункали гломерулонефрит аллергия фонида кечганда асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Сурункали гломерулонефритнинг нефротик шакли аллергия фонида кечганда СБЕ ривожланишини эрта ташхислаш, керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Хозирги кунда республикада она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда, уларда кузатиладиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш”² каби вазифалар белгиланган. Бу борада

¹<http://www.who.int/mediacentre>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, эрта болалик давридаёқ пешоб тизими касалликларини ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2650-сон “Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, дунё бўйича атопик дерматитнинг тарқалганлиги 10-20% ни ташкил қилади (Bametson R.S. 2012). Иқтисодий ривожланган мамлакатларда атопик дерматит тарқалганлиги 10 дан 28 % гача, болалардаги аллергия касалликлар ичида эса атопик дерматит улуши 50-75% га тўғри келади (Novak N. 2011; Балаболкин И.И., 2015). Адабиётларда атопик дерматит билан касалланган болаларда аъзо ва тизимларнинг шикастланиши ва касалликни бошқа патологиялар билан биргаликда кечишига бағишланган тадқиқотлар етарли (Illi S. 2009; Балаболкин И.И. 2013). Бироқ ҳозирги вақтда шундай бемор болалар гуруҳи аниқланганки, уларда генлар мутацияси сабабли нефротик синдромнинг ривожланиши антигенга нисбатан атопик реакция билан алоқадор бўлиб, баъзи ҳолларда айнан ушбу генлар аллелининг ўзига хос хусусияти нефротик синдром ривожланишига ҳам мойилликни аниқлаб беради (Niauted P. 2009) ва бу борада чуқур илмий изланишларни талаб этади.

Кейинги йилларда болалардаги СБК да иммунитетнинг хужайра ва гуморал бўғимини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарли миқдорда бажарилган. (Couser W.G., 2012; Вялкова А.А., 2013; Иллек Я.Ю., 2015). Бироқ атопик дерматитли болалардаги СБК, шу жумладан, сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг клиник-иммунологик кечиш хусусиятлари болаларнинг ёши жиҳатидан ўрганилмаган. Ҳолбуки атопик дерматитли болалардаги СБК гиперсенсibiliзация ва иммунологик етишмовчилик мавжуд бўлган организмда ривожланади. СБКнинг тез қайталаниши, стероидга чидамли ва стероидга тобе турларининг

шаклланиши ҳамда СБЕга тез ўтиш сабабларининг таҳлили шуни тасдиқлайдики, касалликнинг бундай турлари шаклланишида айнан аллергия салмоқли ўрин тутди (Рахманова Л.К. 2017; Савенькова Н.Д. 2018; Даминов Б.Т.2019).

Ҳозирги кунда республикада буйрак касалликларининг болаларда кечиш хусусиятлари ва асоратларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. (Умаров Р.Х. 2010; Шарипов А.М. 2012; Хамзаев К.А., 2019). Шу муносабат билан атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини ўрганиш, асоратларини эрта олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига (№01.070071) «Болаларда буйрак ва нафас аъзолари касалликлари ташхиси, даволаш ва профилактикасига янгича ёндошувлар» га тўлиқ мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечиши, лаборатор кўрсаткичлари хусусиятларини аниқлаш;

болалардаги сурункали гломерулонефритда атопик дерматит фониди хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари ва IL2, IL4 ишлаб чиқарилишини аниқлаш;

атопик дерматитли болалардаги сурункали гломерулонефрит прогрессиясини прогнозлашнинг математик дастурини ишлаб чиқиш;

атопик дерматитли болалардаги сурункали гломерулонефритда иммунитет ўзгаришлари асосида даволашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 1-клиника болалар нефрологияси бўлимида сурункали гломерулонефрит нефротик шакли ташхиси билан даволанган 7-11 ёшдаги 120 нафар беморлар ва шу ёшдаги 25 нафар соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик ва инструментал усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда аллергия ҳолат сабабли клиник ва лаборатор ўзгаришларнинг кучайиши аниқланган;

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда аллергия ҳолатнинг кучайиб бориши оқибатида хужайравий ва гуморал иммунитет

бузилишлари ва IL2, IL4 нинг ҳаддан зиёд ишлаб чиқарилиши сабабли кўп бўғинли иммунологик етишмовчилик ривожланиши аниқланган;

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда клиник, лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ бўлган кучли комбинацияси сабабли касалликнинг тез-тез қайталаниши, гормонга тобе ва гормонга чидамли шакллارининг ривожланиши аниқланган.

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда клиник, лаборатор, иммунологик кўрсаткичлар ўзгариши ва буйрак фаолияти бузилиши асосида илк бор касалликни сурункали буйрак етишмовчилиги босқичига ўтишини эрта баҳоловчи ташхислаш кўп бўғинли иммунологик етишмов-чиликни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда кечганда аниқланган клиник, лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ кучли комбинацияси касаллик асоратларини эрта ташхислаш мезони эканлиги исботланган;

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда кечганда иммунсупрессив даволаш усули такомиллаштирилган;

сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда кечганда асоратлар ривожланишини эрта аниқлаш учун “Ташхислаш алгоритми” ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда кечганда клиник, биокимёвий, иммунологик кўрсаткичлар ва цитокинлар ишлаб чиқарилиши хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда буйракдаги иммунпатологик силжишларнинг чуқурлашуви ва гиперсенсibiliзациянинг касаллик кечишининг оғирлиги билан ўзаро боғлиқлиги, эрта гормонга тобелик ва чидамлилигининг шаклланиши ва буйрак патологияси прогрессиясига олиб келиши ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали гломерулонефрит атопик дерматитли болаларда кечганда клиник, биокимёвий ва иммунологик статуслар бузилишини ташхислаш, кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва асоратлар ривожланишини башоратлаш учун “Ташхислаш алгоритми”ни ишлаб

чиқилганлиги натижасида бундай беморларда касаллик асоратларини эрта олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада даволаниш муддатини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва терапиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Хронический гломерулонефрит у детей с атопическим дерматитом: особенности клиники, диагностики и лечения” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 8н-р/292-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гломерулонефрит атопик дерматит билан кечган болаларда клиник кўринишларини эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Математическая модель прогнозирования почечной недостаточности при хроническом гломерулонефрите у детей с атопическим дерматитом” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 апрелдаги 8н-р/158-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гломерулонефрит атопик дерматит билан бирга кечганда касаллик асоратларини эрта ташхислаш ва олдини олишга хизмат қилган;

атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси, Навоий ва Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 23 сентябр 8н-д/194-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини ошириш, касаллик қайталаниш муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда стационарда даволаниш муддатини 2 кунга қисқартириш ҳисобига йил давомида иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги фан ва техноло-гиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалардаги сурункали гломерулонефрит ва атопик дерматит кечишининг, иммунтерапиясининг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида болалардаги сурункали гломерулонефрит патогенезидаги иммунпатологик механизмлар асосий бўғинларининг назарий жиҳатлари, атопик дерматитнинг этиологияси, патогенези ва асоратлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар, микофенолат мофетил дори воситасининг патогенетик таъсир механизми таҳлил қилинган, мавжуд ташхисот, даволаш ва профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланувчи иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган. 2015-2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасининг болалар нефрологияси бўлимида даволанган 7 дан 11 ёшгача бўлган 120 нафар бола клиник-иммунологик текширувдан ўтказилган. Улардан: 1-гурух: 40 нафар - сурункали гломерулонефрит (СГН) нефротик шакли. 2-гурух: 40 нафар - СГН нефротик шакли+атопик дерматит (АД). 3-гурух: 40 нафар-АД. Назорат гуруҳи: 7-11 ёшдаги 25 нафар амалий соғлом бола. Клиник ташхис клиник-анамнестик маълумотлар, лаборатория, иммунологик ва функционал текширув усуллари, шунингдек, теридаги атопик аллергияни баҳолашнинг SCORAD индекси натижалари асосида шакллантирилган. Текширилган беморлар КХТ-10 асосида СГН ва АДнинг таснифи бўйича гуруҳларга ажратилган.

SCORAD индекси бўйича беморларда АДнинг оғирлик даражасини баҳолаш қуйидагиларни кўрсатди: АДда асосий улушни касалликнинг енгил 25 (62,5%) ва ўрта оғир 13 (37,5%) кечувчи шакллари ташкил этди, СГН+АД билан оғриган болаларда эса касалликнинг ўрта оғир 20 (50%) ва оғир 4 (20%) шакллари устунлик қилди. Шунингдек, текширувлар натижасида болаларда СГНнинг асоратли кечишида АД фонидаги СГН юқори фоизни ташкил қилганлиги аниқланди.

Даволашга мос равишда 1- ва 2-гурух беморлари икки гуруҳчага бўлинди. 1- ”а” (20 бемор) ва 2-“а” (20 бемор) гуруҳча беморлари стандарт

анъанавий даволанди: кўрсатмалар бўйича глюкокортикостероид (преднизолон), антиагрегант (курантил), антикоагулянт (гепарин), диуретиклар (фуросемид, верошпирон), ренопротекторлар (эналаприл) ва бошқалар. Болаларда иммунсупрессия ва стероидтоксик асоратларни олдини олиш мақсадида СГНни даволаш комплексига (1-“б” гуруҳча, 20 бемор) ва СГН+АД (2-“б” гуруҳча, 20 бемор) га цитостатик дори воситаси – микофенолат мофетил (ММФ) киритилди. (Ўзбекистондаги давлат қайд рақами Б-250-95 № 33303 29.08.03). Ҳар иккала гуруҳда ҳам ММФ 6 ой давомида кунига 2 маҳал 1-2 г/24 соат дозада қўлланилди, самарадорлик аниқланганда даволаш 12 ойгача давом эттирилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Excel дастурий пакети ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичларни (частота, %) ҳисоблаш билан компьютерда статистик ишланди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P) ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$; $P < 0,01$; $P < 0,001$ бўлган ҳолда ўртача катталиклар фарқи ишончли деб ҳисобланди. Клиник-лаборатор, иммунологик кўрсаткичларга ишлов берилганда Ўзбекистон Миллий Университети параллел компьютер технологиялар кафедраси профессори, т.ф.д. Игнатъев Н.А. томонидан ишлаб чиқилган «суюқ нейрон тармоқлари» (СНТ) математик усулидан фойдаланилди. Мазкур усул асосида атопик дерматитли болалардаги сурункали гломерулонефрит математик модели ишлаб чиқилди ва олинган маълумотларга статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари”** деб номланувчи учинчи бобида болаларда СГНнинг ретроспектив таҳлили, клиник кечиши, клиник-лаборатор кўрсаткичларни кузатиш, шунингдек, АД билан касалланган болаларда сифат (клиник) ва миқдор (лаборатор, иммунологик) белгилар комбинацияларини баҳолаш натижалари тақдим этилган.


Ретроспектив таҳлил натижалари асосида болаларда аллергия фонида кечувчи СГНдаги ёндош касалликлар, шу жумладан камқонлик, бўйрак фаолиятининг бузилиши, касалликнинг гормонга чидамли ва гормонга тобе шакллари ривожланиши юқори фоизни ташкил қилиши ҳамда СГНнинг яқин ва узоқ муддатли оқибатларининг шаклланиши, ривожланиши ва уларни башоратлашда аллергиянинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

SCORAD индекси бўйича олинган маълумотларда АД ва СГН+АДга чалинган болаларда АД клиник маркерлари аниқланиш частотасининг қиёсий таҳлили, IgEнинг юқори миқдори (100%), АДнинг сурункали қайталанувчи кечиши (100%), тери тошмаларининг типик морфологияси (100%), қичишнинг мавжудлиги (100%), касалликнинг эрта ёшдан бошланганлиги (95%), тери тошмаларининг юзда, қўл-оёқларнинг ташқи

юзаларида типик жойлашуви (67,5%), шунингдек, беморнинг ота-онаси ёки қариндошларида аллергик касалликлар мавжудлиги аниқланди. СГН мисолида АД маркерларининг юқори фоизда қайд қилиниши ҳамроҳлик қилувчи патологиянинг қўшилиши ва қандай даражада кечиши асосий касалликнинг оғирлик даражаси билан узвий равишда боғлиқ эканлигини исботлайди. Артериал босим кўтарилиши (65%), тахикардия (85,5%), бош оғриғи (70%), гепатомегалия (22,5%), анасарка (47,5%) ва гидроторакс (17,5%) каби клиник симптомлар атопиясиз СГНга чалинган болаларга нисбатан атопияли беморларда юқори фоизни ташкил этди. Ушбу ҳол АДли болаларда СГНнинг оғирроқ кечиши ва жиддий оқибатлар ривожланишининг юқори хавфидан далолат беради.

СГН ва СГН+АДда периферик қон таҳлили натижалари камқонлик, гипопроотеинемия, гипоальбуминемия, гипокальцемия ($P<0,001$), гиперхолестеринемия, гипергаммаглобулинемия, фибриноген, мочевино ва креатинин миқдорининг ортишини кўрсатди ва бу ҳол атопия фонида СГНга чалинган беморларда кучлироқ намоён бўлди. Шу билан бир қаторда, протеинурия, эритроцитурия ва лейкоцитурия ҳолатлари кузатилди ($P<0,001$; $P<0,01$) ва бу СГН+АД билан оғриган болаларда СГНга нисбатан кучли намоён бўлди. Буйрақларни ультратовуш текшируви натижасида қуйидагилар аниқланди: СГН билан оғриган болаларда буйрак эхогенлигининг II даражали ортиши – 50% ни, СГН+АДда эса – 75% ни ташкил этди. Ушбу ҳол буйрак паренхимасидаги иммунпатологик жароҳатланишлар СГНга нисбатан СГН+АДда чуқурроқ эканлигидан дарак беради.

Текширув натижалари СГН АДли болаларда кечганда клиник-лаборатор кўрсаткичлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши ва бундай беморларга ташхис қўйишда ташхисот тести бўлиб хизмат қилишини тасдиқлади.



1-расм. Болаларда СГН+АДда сифатий ва миқдорий кўрсаткичларнинг юқори информатив комбинацияси

Исботли тиббиёт нуктаи-назаридан болалардаги СГН ва СГН+АДда сифат (клиник) ва миқдор (лаборатор, иммунологик) белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни исботловчи комбинацияларни ўрганиш учун тадқиқотда СНТ – математик моделлаштириш усулидан фойдаланилди (1-расм).

Клиник-лаборатор текширув натижалари АД, СГН, СГН+АДда клиник симптомларнинг нефротик синдром симптомлари ва АД маркерлари билан намоён бўлувчи полиморфизм, манифестация, патологик жараённинг қайталаниши ва давомийлиги билан тавсифланишини исботлади. Фойдаланилган СНТ математик усули СГН ва АДнинг алоҳида белгиларини ўзига хослиги ва аҳамияти даражасини аниқлаш имконини берди, чунки болаларда СГНнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга ва у клиник ҳамда лаборатор белгилари бўйича сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилиниши ва баҳоланиши мумкин. Информатив кўрсаткичларни баҳолаш бўйича олинган қийматлар асосида СГН ва АД учун энг ишончли ва аҳамиятли бўлган сифат ва миқдорий белгилар аниқланди, мазкур белгилар СГНни ташхислаш, асоратлари ривожланишини эрта аниқлаш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Беморларни иммунологик текширув натижалари шу ёшдаги 25 нафар соғлом бола кўрсаткичлари билан таққосланди. ЎзР ФА Иммунология институти томонидан тақдим этилган болалар иммун тизими асосий параметрларининг меъёрий кўрсаткичлари кузатувимизда бўлган беморларга ёш жиҳатдан қўлланилди. Иммунитетнинг 1-жадвалда тақдим этилган ҳужайравий ва гуморал бўғини кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари СГН (I-гурух), СГН+АД (II- гурух) ва АД (III-гурух) болаларда назорат гуруҳга нисбатан Т-ҳужайравий бўғинда иммунтанқислик қайд этилганини кўрсатди, яъни Т-лимфоцитлар, Т-хелперлар, Т-супрессорлар ва нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги (НФФ) ($P < 0,001$), шунингдек, иммунбошқарув индекси (ИБИ) кўрсаткичининг камайиши аниқланди ($P < 0,001-0,01$).

Гуморал иммунитет томонидан назорат гуруҳга нисбатан В-лимфоцитлар, АИК ва қондаги IgE миқдорининг ишончли ортиши кузатилди ($P < 0,001$). Барча гуруҳларда ИБИ кўрсаткичининг пасайиши қайд этилди ($P < 0,001-0,05$). СГНга чалинган беморларда IgE кўрсаткичи назорат гуруҳ билан таққосланганда фарқлар ишончли бўлмади. АБЛ кўрсаткичи бўйича СГН ва СГН+АД гуруҳлар АД гуруҳи билан таққосланганда, АБЛ-буйрак ва АБЛ-мия тўқималарига нисбатан ишончли ортиши кузатилди ($P < 0,001$). Мазкур ҳолат атопия фонидаги СГН гуруҳида СГН гуруҳидаги болаларга нисбатан кучлироқ намоён бўлди.

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, АДсиз СГН ва АД фонидаги СГН билан текширувдан ўтказилган болаларда иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғинида иммунпатологик силжишлар қайд этилади. Маълумки, иммункомплекслар комплемент тизимини классик йўл билан фаоллаштиради, бу ўз навбатида хемотоксик омилларининг ишланишига олиб келади.

**Текширилган болаларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет
кўрсаткичлари, $M \pm m$**

Иммунитет кўрсаткичлари	Назорат гуруҳ, n=25, 7-11 ёш	СГН, n=40, I-гуруҳ	СГН+АД, n=40, II-гуруҳ	АД, n=40, III-гуруҳ
Т-лимфоцитлар- СД3, %	56,21±0,98	40,4±0,14***	34,1±1,08***	43,9±0,78***
Т-хелперлар-СД4, %	34,50±1,40	24,6±0,20***	19,1±1,23***	22,7±0,67***
Т-супрессорлар-СД8, %	18,64±0,49	15,51±0,07***	12,0±0,11***	11,1±0,27***
ИБИ	1,85±0,06	1,58±0,09*	1,48±0,04** *	1,73±0,06
В-лимфоцитлар-СД19, %	11,16±0,73	33,5±0,13***	39,1±0,86***	34,5±1,15***
Қондаги АБЛ, %: АБЛ-буйрак	-	3,8±0,06***	7,8±0,61***	2,9±0,10***
АБЛ-мия	-	0,76±0,064***	1,1±0,02***	0,83±0,065***
АИК, опт. зич. бирл.	0,002±0,004	0,055±0,004** *	0,081±0,001** *	0,03±0,006***
Қондаги IgE, МЕ/мл	109,7±60,1	167,5±12,2	594,7±83,27** *	363,5±25,2***
НФФ, %	50,5±1,11	34,8±0,63***	29,2±0,22***	38,7±0,67***

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли
(* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Хемотаксис омиллар эса буйрак коптокчаларини жароҳатловчи, айланувчи ва яллиғланишга алоқадор бўлган ҳужайраларни жараёнга жалб этади. Комплекмент тизимининг фаоллашуви, айланувчи иммун комплексларнинг ҳаддан зиёд ишланиши ва элиминациясининг бузилиши СГН патогенезининг асоси бўлган иммунпатологик жараённинг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни айланувчи иммун комплекслар коптокча томирларининг базал мембранасида тўпланиб, маҳаллий яллиғланиш реакцияси ривожланишига олиб келади.

Олинган иммунологик текширув натижалари СГНдан фарқли ўларок, атопияси бор беморларда ҳам касаллик сурункали кечишининг шаклланишида иммун тизимнинг чуқур ва барқарор ўзгаришлар билан ифодаланувчи фаоллашувини тасдиқлайди. Аниқланган иммунологик силжишлар касаллик жараёнида яллиғланиш реакциясини назорат қилиш механизмларининг номутаносиблигидан далолат беради, гломерулонефритнинг прогрессияланувчи, сурункали кечишининг патогенетик асоси ҳисобланмиш организмнинг яллиғланишга қарши ҳимоя тизими реакциясининг сустлиги, шу жумладан буйрак тўқимасида иммун яллиғланиш жароҳатининг кучайиб бориши касаллик оқибати ёмонлашувини таъминлайди. Бизнинг фикримизча, иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғинидаги номутаносиблик, буйрак тўқималарига нисбатан антитаналар ишланишининг кучайиши ва иммун комплексларнинг ҳосил бўлиши охир-

оқибат буйракнинг аутоиммун жароҳатланиши ва СБЕ ривожланишига олиб келади.

Кузатувимиздаги беморларда цитокинлар (IL2, IL4) ишлаб чиқарилиши ўрганилди. Барча гуруҳларда IL2 ишлаб чиқарилиши назорат гуруҳга нисбатан ишончли ортди ($P < 0,001$) (жадвал 2). II ва III гуруҳ болаларида IL2 миқдори I гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($P < 0,001$). Шунингдек, IL4 ишлаб чиқарилиши ҳам барча гуруҳларда назорат гуруҳга нисбатан юқори бўлди ($P < 0,001$). IL4 миқдори кўрсаткичи II ва III гуруҳ болаларида I гуруҳга нисбатан сезиларли даражада баланд бўлди ($P < 0,001-0,01$).

2-жадвал

**Текширилган болаларда цитокинлар ишлаб чиқарилиши даражаси,
M±m**

Нозологиялар	Қондаги цитокинлар, пг/мл	
	IL2	IL4
Назорат, n=25	2,8±0,07	4,6±0,03
СГН; I-гуруҳ, n=40	3,4±0,03***	7,9±0,09***
СГН+АД; II-гуруҳ, n=40	5,5±0,08***^^^	12,5±0,03***^^^
АД; III –гуруҳ, n=40	3,8±0,03***^^^°°°	10,2 ±0,08***^^^°°°

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - $P < 0,001$), ^- фарқлар I-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^^^ - $P < 0,001$), °- фарқлар II-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (°°° - $P < 0,001$)

Олинган натижалар шундан далолат берадики, касаллик жараёнида иммунпатологик реакцияларнинг намоён бўлиши Т-хелпер клонлари бўлган Th1 ва Th2нинг функционал фаоллигига боғлиқдир. IL2 секрециясида қатнашувчи Th1 фаоллашуви асосан Т-лимфоцитлар, макрофаглар функционал фаоллигини амалга оширади ва хужайравий иммун жавоб стимуляциясини таъминлайди. IL4 секрециясида қатнашувчи Th2 эса гуморал иммунитет стимуляциясини амалга оширади (IgE). Бундан кўринадики, Th1 ва Th2 фаоллигининг сурункали номутаносиблиги аллергия ёки аутоиммунитет кўринишидаги иммунпатологик ҳолатлар ривожланишига олиб келади.

IL2 цитокинлари ўз навбатида IL4 ишлаб чиқарувчи Th2-хужайралар ҳосил бўлишини стимуллайди, бу эса IgE ва эозинофиллар иштирокида тезкор ўта сезувчанлик реакциясининг ривожланишига олиб келади.

Беморларда лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларни математик моделлаштиришнинг СНТ - қўллаш усули орқали ўтказилган таҳлили гуруҳлар бўйича махсус иммунпатологик хусусиятлар ва алоҳида иммунологик белгиларнинг юқори информативликка эга эканлигини аниқлади: СГНда - СД3 (1,000), СД4 (1,000), СД19 (0,9806), НФФ (0,9506), буйрак-АБЛ (0,9397), АИК (0,9209), IL4 (0,7388); СГН+АДда - СД3 (1,000), буйрак-АБЛ (1,000), IgE (1,000), IL2 (1,000), IL4 (1,000), НФФ (0,9806), АИК (0,9506); АДда -IgE (1,000), СД8 (0,8591), IL2 (0,8168), IL4 (0,7767), НФФ

(5247), СД19 (0,8167), буйрак-АБЛ (0,8169).

Шундай қилиб, олинган иммунологик ва математик текширув натижалари шундан далолат берадики, болалардаги СГН, СГН+АД ва АДдаги иммунпатологик силжишлар кўп бўғинли иммунологик етишмовчилик, яъни иммунитетнинг хужайравий ва гуморал бўғини заифлашуви ҳамда IL2 ва IL4 цитокинлар ишлаб чиқарилишининг бузилиши билан тавсифланади.

Диссертациянинг “Атопик дерматитли болалардаги сурункали гломерулонефритни комплекс даволашда микофенолат мофетил қўлланилишини қиёсий баҳолаш” деб номланувчи тўртинчи бобида атопик дерматитли болалардаги СГНнинг комплекс даволаш таркибига микофенолат мофетил (ММФ) киритилганда клиник-лаборатор, иммунологик ва цитокинлар (IL2 IL4) ишлаб чиқарилиш кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш натижалари тақдим этилган. ММФнинг терапевтик таъсирини баҳолаш мақсадида беморларга икки марта клиник-иммунологик текширув ўтказилди: даволашгача ва даволашдан 6 ой ўтгандан сўнг. Ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатдики, ММФ қабул қилган аксарият беморларда даволаш курси тугагандан сўнг касаллик клиник белгиларининг сустлашуви ва лаборатория кўрсаткичларининг яхшиланиши қайд этилди.

СГН ва СГН+АДда анъанавий терапия ва анъанавий+ММФ терапиядан сўнг иммунологик кўрсаткичлар ва цитокинлар (IL2 IL4) ишлаб чиқарилиши динамикаси ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди (3-жадвал).

Олинган натижаларни I ва II гуруҳлар ўртасидаги қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ММФ олган II гуруҳдаги болаларда 6 ойдан сўнг дори воситасининг иммунсупрессив самараси Т-лимфоцитлар, Т-хелпер, Т-супрессор субпопуляциялари орасидаги номутаносибликни меъёрий кўрсаткичга яқинлашуви, буйрак тўқимасига нисбатан АБЛ кўрсаткичларининг камайиши ва ИБИнинг ортишида кузатилди.

3-жадвал


СГН+АДда анъанавий терапия ва анъанавий +ММФ терапиядан сўнг имму-нологик кўрсаткичлар ва IL2, IL4 ишлаб чиқарилиши динамикаси, M±m

Иммунитет кўрсаткичлари	Назорат гуруҳ, n=25, 7-11 ёш	СГН+АД, n=40		
		Даволашгача, n=40	Анъанавий терапия, n=20, I-гуруҳ	Анъанавий терапия+ММФ, n=20, II-гуруҳ
Т-лимфоцитлар-СД3, %	56,21±0,98	34,1±1,08***	41,7±1,11***^^	52,2±1,36*^^
Т-хелперлар-СД4, %	34,50±1,40	19,1±1,23***	26,4±1,18***^^	32,7±1,44^^
Т-супрессорлар-СД8, %	18,64±0,49	12,0± 0,11***	16,0±0,88*^^	18,6±0,69^^
ИБИ	1,85±0,06	1,48±0,04** *	1,67±0,05*^^	1,89±0,09^^


В-лимфоцитлар-СД19, %	11,16±0,73	39,1±0,86***	17,3±0,75***^^^	13,5±0,61*^^^
Қондаги АБЛ, %: АБЛ-буйрак	-	7,8±0,61***	4,0±0,54***^^^	2,65±0,75***^^^
АБЛ-мия	-	1,1±0,02***	0,64±0,05***^^^	0,17±0,05***^^^
АИК, опт. зич. бирл.	0,002±0,004	0,081±0,001** *	0,065±0,003***^ ^^	0,028±0,002***^ ^^
Қондаги IgE, МЕ/мл	109,7±60,1	594,7±83,27** *	379,8±46,14***^	186,7±32,27^^
НФФ, %	50,5±1,11	29,2±0,22***	35,3±0,87***^^^	43,2±0,54***^^^
IL2, пг/мл	2,8±0,07	5,5±0,11***	4,1±0,09***^^^	3,4±0,10***^^^
IL4, пг/мл	4,6±0,03	12,5±0,03***	9,4±0,09***^^^	6,8±0,12***^^^

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, *** - P<0,001), ^- фарқлар даволашгача гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

Шу билан бир қаторда, ММФнинг В-лимфоцитлар, АИК, IgE, IL2 ва IL4 кўрсаткичларини камайтириши ҳисобига гуморал иммунитет ва цитокинлар ишлаб чиқарилишига ижобий таъсири қайд этилди (P<0,001; P<0,05). Анъанавий терапия олган беморларда СГНга нисбатан касаллик АД билан фонда кечганда иммунпатологик силжишларнинг камайиши сустр тарзда кузатилди. Бундан ташқари, мазкур гуруҳчаларда иммунитет ва цитокинлар (IL2, IL4) ишланишининг бузилиши, хаттоки патологик жараённинг ремиссия даврида ҳам қисман сақланиб қолди ва бу ҳол СГН+АДда яққол кузатилди. СГН+АД гуруҳидаги болаларда ўтказилган анъанавий ва таклиф этилган ММФ-терапиядан сўнг иммунологик кўрсаткичлар комбинациянинг қиёсий таҳлилида қуйидаги кўрсаткичлар: IgE (1,000), АБЛ-буйрак (1,000), АИК (0,9504), СД3 (0,8769), IL4 (0,7884), IL2 (0,6583) юқори информативликка эга бўлди (2-расм).



2-расм. СГН+АД да анъанавий ва анъанавий+ММФ терапиядан кейин иммунологик кўрсаткичларнинг юқори информатив комбинацияси



3-расм. Болалардаги СГН, СГН+АД, АД учун ташхислаш алгоритми

ММФнинг терапевтик самарадорлиги таҳлил қилинганда касаллик оқибати бўйича қуйидаги натижалар олинди: СГНда: ремиссиянинг узайиши (90%); қайталанишлар сонининг камайиши (25,0%); буйрак фаолиятининг бузилиши (5%); ГРНС (5%); ГТНС (0%); СГН+АДда: ремиссиянинг узайиши (75%); қайталанишлар сонининг камайиши (15%); буйрак фаолиятининг бузилиши (10%); ГРНС (10%); ГТНС (10%); SCORAD индекси (0,0%).

ММФнинг асосий терапевтик самараси биринчи навбатда унинг иммунологик таъсири билан боғлиқ. ММФ иммунсупрессив таъсирга эга эканлиги туфайли у В- ва Т-лимфоцитларнинг пролиферацияси ва мос равишда антитаналарни ишланиши ҳамда цитотоксик Т-хужайралар генерациясини ингибирлаш хусусиятига эга ва шу тариқа хужайравий ва гуморал иммунитетга таъсир кўрсатади. Бу хол бошқа иммунсупрессантлар билан қиёсланганда кам токсик ва юқори селектив таъсири билан изоҳланади.

ММФ лимфоцитларни селектив ингибирлаш билан бир қаторда макрофаглар, мезангиал хужайралар ва қон-томирлар деворидаги силлик миоцитлар пролиферацияси пасайишини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур дори воситаси таъсирида азот оксидининг цитокин-индуцирловчи ишлаб чиқарилиши, гломеруляр, шунингдек тубулоинтерстициал матрикс синтези пасаяди, макрофагал ва лимфоцитар инфильтрацияни камайтириши ҳисобига гломерулосклероз ва интерстициал жароҳатланишнинг сезиларли даражада пасайиши таъминланади. Бу қисқа муддат ичида касаллик ремиссия даврининг узайиши, шишларнинг йўқолиши ва суткалик диурезнинг меъёрлашуви билан тасдиқланади. ММФнинг иқтисодий самарадорлиги даволаш муддатининг касалхонада икки кунга қисқариши ва беморга сарфланадиган харажатларнинг камайиши билан ифодаланади.

Шундай қилиб, клиник, лаборатор ва иммунологик текширув кўрсаткичлари динамикаси натижалари, шунингдек биз қўллаган математик моделлаштиришнинг СНТ - қўллаш усули СГН ва АДнинг алоҳида сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор, иммунологик) белгиларининг ўзига хослик даражаси ва аҳамиятини аниқлаш имконини берди.

Мазкур тоифадаги беморларда СГНнинг ҳар бир турида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мазкур белгиларнинг комбинациялари аниқланди. СГН ва СГН+АДни сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор, иммунологик) кўрсаткичлари комбинациялари бўйича олинган натижалар болаларда СГН ва СГН+АДни ташхислаш мезонлари ҳисобланади ва махсус даволаш усулини такомиллаштириш учун асос бўлади. Сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор ва иммунологик) кўрсаткичлар комбинацияларининг қиёсий таҳлили бўйича олинган натижалар асосида соғлиқни сақлаш амалиёти учун ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқдик (3-расм.). “Ташхислаш алгоритми”нинг тузилиши содда ва қулай бўлгани учун педиатрия амалиётида кенг қўллаш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

“Атопик дерматитли болаларда сурункали гломерулонефрит кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурункали буйрак касаллиги, жумладан сурункали гломерулонефрит нефротик шаклининг атопик дерматитли болаларда кечиши асосий касалликнинг клиник симптоматикасидаги тахикардия (85,5%), шишлар (78,5%), ҳолсизлик (77,0%), олигурия (98,8%) кучайишини; лаборатория кўрсаткичларидаги гемоглобин миқдорининг камайиши (94,3%), протеинурия (100%), диспротеинемия (97,5%), фибриноген миқдори ортиши (85,0%), гиперхолестеринемия (55,0%) номутаносиблиги кучайишини; касалликнинг тез-тез қайталанувчи, гормонга тобе, гормонга резистент шакллари ривожланишини таъминлайди.

2. Сурункали гломерулонефрит нефротик шаклини атопик дерматитли болаларда кечиши оқибатида буйрак тўқимасига нисбатан АБЛнинг ортиши (7,8 марта), АИК (4,1 марта), IgE (3,6 марта) миқдорининг кўпайиши, IL2 (1,2 марта), IL4 (1,7 марта) ҳаддан зиёд ишлаб чиқарилиши каби кўп бўғинли иммунологик етишмовчилик (хужайравий, гуморал, цитокинлар ҳаддан зиёд ишланиши) аниқланди.

Нейронлар тармоғини моделлаштиришнинг математик усули атопия фони-да кечувчи сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклини сифатий (клиник) ва миқдорий (лаборатор, иммунологик) белгилари комбинацияларини баҳолаш имконини берди. СГНда сифатий ва миқдорий белгиларнинг юқори информативлиги олигурия (1,0), протеинурия (1,0), СД3 (1,0); АИК (0,92); СГН+АДда: шишлар (1,0), умумий оқсил (1,0), буйрак тўқимасига нисбатан АБЛ (1,0), АИК (0,95), IL-2 (1,0), IL4 (1,0); АД маркерлари бўйича –теридаги кичиш (1,0), IgE (1,0), IL-2 (0,8), IL4 (0,7) кўрсаткичлари билан ифодаланди.

3. СГН ва СГН+АДни комплекс даволашда микофенолат мофетилнинг қўлланилиши клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларни сезиларли пасайиши (СД19, АБЛ-буйрак, АИК, IgE), цитокинлар (IL2, IL4) миқдорининг меъёрлашуви, буйрак фаолиятининг яхшиланиши (коптокчалар фильтрацияси, суткалик диурез кўпайиши), касаллик ўткир даври давомийлигининг қисқариши, ремиссия даврининг чўзилиши, қайталанишлар сони (2 марта), шунингдек, СГНнинг гормонга резистент ва гормонга тобе шакллариининг камайиши билан намоён бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КАРИМОВА УМИДА НИРМАТОВНА

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕРАПИИ ХРОНИЧЕСКОГО
ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТА У ДЕТЕЙ С АТОПИЧЕСКИМ
ДЕРМАТИТОМ**

14.00.09–Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Tib272

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Рахманова Лола Каримовна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Шарипов Алишер Мирхамидович доктор медицинских наук, профессор Ташкенбаева Умида Алишеровна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии

Защита состоится «__» _____ 2019 г. в ____ час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней. PhD. 27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14), e-mail: mail @tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____), (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 год.
(Протокол рассылки № ____ от _____ 2019 года).

А. В. Алимов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Э. А. Шамансурова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.И. Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. За последние десять лет резко возросло число хронических болезней почек (ХБП) среди детей. В США, Европе, Австралии и в странах Азии отмечается, что каждый десятый человек в мире страдает нарушением функции почек. У 50% пациентов с ХБП заболевание диагностируется на 3-5 стадиях хронической почечной недостаточности (ХПН), а у 10% пациентов – в терминальной стадии. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), с 2011 года ХБП признана в качестве социально-значимой болезни, наряду с сердечно-сосудистыми, легочными заболеваниями, опухолями и сахарным диабетом, «... Риск развития терминальной хронической почечной недостаточности к 20 годам у детей с хроническим гломерулонефритом составляет 68% »³. С каждым годом прогрессирование ХПН среди детей вследствие ХБП, в результате воздействия на нормальный рост и развитие организма, приводит к ранней инвалидности среди них.

Мир уделяет особое внимание научным исследованиям в целях установления этиологии, ранней диагностике, лечению, совершенствования методов профилактики и ранней профилактики осложнений заболеваний мочевыделительной системы. Определение клинико-иммунологических маркеров, характерных для ХБП, в том числе, нефротической формы хронического гломерулонефрита на фоне аллергии, выявление изменений биохимических и иммунологических показателей при нефротической форме хронического гломерулонефрита, совершенствование ранней диагностики осложнений и лечения хронического гломерулонефрита на фоне аллергии остается приоритетным направлением научных исследований. Нефротическая форма хронического гломерулонефрита на фоне аллергии является одной из наиболее актуальных проблем, с которой сталкиваются специалисты при ранней диагностике развития ХПН и созданию надлежащих рациональных лечебно-профилактических мероприятий.

В настоящее время в нашей республике уделяется особое внимание охране здоровья матери и ребенка, и осуществляется большая программа мер, направленных на раннюю диагностику и уменьшение осложнений наблюдаемых у них болезней. Были обозначены задачи, «повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, эффективных моделей диспансеризации»⁴. В этом плане улучшение здоровья детей, особенно в раннем детстве, совершенствование диагностики и лечения заболеваний мочевыводящих путей самыми современными способами имеет важную значение. Это диссертационное

³ <http://www.who.int/mediacentre>

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годах» от 7 февраля 2017 года.

исследование будет способствовать выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениях от 2 ноября 2016 года № ПП-2650 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны материнства и детства в Узбекистане на 2016–2020 годы» и от 20 июня 2017 года № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники в республике VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По данным Всемирной организации здравоохранения, распространенность атопического дерматита во всем мире составляет 10-20% (Bametson R.S. 2012). В экономически развитых странах распространенность атопического дерматита составляет от 10 до 28%, а доля атопического дерматита при аллергических заболеваниях у детей составляет 50-75% (Novak N. 2011; Балаболкин И.И., 2015). В литературе достаточно исследований, посвященных органным и системным расстройствам у детей с атопическим дерматитом и сопутствующим течением болезни с другими патологиями (IlliS., 2009; Балаболкин И.И., 2013). Однако в настоящее время определена группа детей, у которых развивается нефротический синдром из-за мутации гена, которая обусловлена атопическим ответом на антиген, и в некоторых случаях специфическая природа этих генных аллелей также предрасполагает к развитию нефротического синдрома (Niauted P., 2009), что требует проведение относительно этого глубоких научных изысканий.

В последние годы было проведено достаточное количество исследований клеточного и гуморального звеньев иммунитета у детей с ХБП. (Couser W.G., 2012; Вялкова А.А., 2013; Иллек Я.Ю., 2015). Однако клинико-иммунологические особенности ХБП у детей с атопическим дерматитом, в частности, нефротической формы хронического гломерулонефрита у детей в возрастном аспекте не изучались. Между тем, ХБП у детей с атопическим дерматитом развивается на фоне существующих в организме гиперсенситизации и иммунологической недостаточности. Анализ причин частого рецидива ХБП, формирования стероидорезистентной и стероидозависимой форм болезни и быстрого перехода на ХПН показывает, что в формировании таких форм болезни определенное место занимает именно аллергия (Рахманова Л.К., 2017; Савенькова Н.Д., 2018; Даминов Б.Т., 2019).

На сегодняшний день в республике исследований по изучению особенностей течения и осложнений заболеваний почек у детей проведено недостаточно (Умаров Р.Х., 2010; Шарипов А.М., 2012; Хамзаев К.А., 2019). В связи

